

ДЖУРАЕВ Ҳусен Хайруллоевич,
Бухоро давлат университети
Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа
кафедраси доценти, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)
ORCID ID: 0009-0006-9223-4980.
E-mail: husaynbuxoriy@mail.ru;
x.x.djuraev@buxdu.uz.

ЖАДИД МАКТАБИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ХАТТОТЛИК ВА КИТОБАТ САНЪАТИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРИ

ОТНОШЕНИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ШКОЛЫ ДЖАДИДОВ К КАЛЛИГРАФИИ И КНИЖНОМУ ИСКУССТВУ

THE ATTITUDE OF THE REPRESENTATIVES OF THE JADID SCHOOL TO CALLIGRAPHY AND BOOK ART

Аннотация: мазкур мақолада Туркистон жади́дчилик ҳаракати ва унинг маънавий-маърифий асосларининг моҳияти, жади́дларнинг халқ тафаккурини ўстириш, маънавиятини бойитиш йўлида олиб борган курашлари, жади́дчилик гояларининг Туркистонга тарқалишида миллий матбуот, бадиий адабиёт, хаттотлик ва китобат санъатининг аҳамияти ҳамда уларнинг ижодидида Миллий истиқлол гоясининг ифодаланишидаги ўзига хосликларни ўрганиш назарда тутилган. Ушбу мавзудаги мақолани ўрганиш ҳозирда ёшлар тарбиясида долзарб бўлиб қолмоқда.

Калит сўзлар: Туркистон, Бухоро, Қўқон, жади́д, мактаб, китоб, қўлёзма, санъат, кутубхона, хаттотлик, мирза, ватанпарварлик.

Аннотация: В данной статье ставится цель изучить сущность движения туркестанских джадидов и его духовно-просветительские основы, борьбу джадидов за развитие национального мышления и обогащение своей духовности, значение национальной прессы, художественной литературы, каллиграфии и книгоделания в распространении идей джадидов в Туркестане, а также особенности выражения идеи Национальной независимости в их творчестве. Изучение данной статьи в настоящее время актуально в деле воспитания молодежи.

Ключевые слова: Туркестан, Бухара, Коканд, джадид, школа, книга, рукопись, искусство, библиотека, каллиграфия, мирза, патриотизм.

Abstract: This article aims to study the essence of the Turkestan Jadid movement and its spiritual and educational foundations, the struggle of the Jadids for the development of national thinking and enrichment of their spirituality, the importance of the national press, fiction, calligraphy and book production in the dissemination of the ideas of the Jadids in Turkestan, as well as the features of expressing the idea of National Independence in their work. The study of this article is currently relevant in the education of youth.

Keywords: Turkestan, Bukhara, Kokand, Jadid, school, book, manuscript, art, library, calligraphy, Mirza, patriotism.

КИРИШ

Туркистон ўлкаси XIX аср охири – XX аср бошларида мустамлакачилик сиёсати оқибатида сиёсий, маданий, иқтисодий таназзулга юз тутди. Ўлканинг илғор зиёлилари чоризм истибдодидан қутулиш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий тараққиёт сари йўл очиш, халққа зиё тарқатиш мақсадида маърифатпарварлик ҳаракатига асос солдилар. Бу ҳаракат билан Туркистонда янги уйғониш даври бошланди.

Шу даврда майдонга келган жади́д маърифатпарварлик ҳаракати мактаб ва маориф, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида ислохотчилик ишларини амалга оширибгина қолмай, халқнинг маданий, маърифий ва рухий ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди ёки шу йўлда эътиборга молик катта ишларни бажарди.

Ўзбек олимлари жади́д маърифатпарварлик ҳаракатининг турли томонларини ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Қарийб барча жади́д ёзувчиларининг асарлари нашр этилиб, халққа тақдим этилди. Янги усул мактаби, миллий матбуот, адабиёт ва театр тарихини ўрганишга бағишланган кўплаб асарлар майдонга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида Ўзбекистон мафкуравий соҳада рақобатга тайёرمи, деган саволни берди. Унинг айтишича, мамлакат маданий дипломатияни кучайтиради. Бу ҳақда ҳам сўз юритар экан, ўзбек халқи жади́длар

кўрсатган йўлдан қайтмаслиги ва лозимлигини таъкидлаб шундай деди: “Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий. Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, ҳалқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир” [1, б. 2023].

Ўз моҳият эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

АДАБИЙ ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ислом ва унинг маданиятга таъсири ҳамда инсониятга бўлган фазлу марҳаматининг саккизинчи даври – XIX аср охири ва XX аср бошлари. Бу даврда Россия томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ўзбек маданиятига жиддий таъсир кўрсатди. Истилочилар ўз маданиятини жорий этишга интилдилар. Бирок, бу ҳодисага нисбатан маҳаллий зиёлилар орасида турли қарашлар, сиёсий-маданий оқимлар пайдо бўлди. Дин арбоблари соф ислом анъаналари ва қадриятларини бошқа маданият таъсиридан сақлашга ва Европа маданиятига қарши қурашга интилдилар. Маҳаллий зиёлилар орасида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати намояндалари маданият ва маърифат усулларини янгилаш ва бойитишга ҳаракат қилдилар. Рус истилочилари ичидан чиққан нигилистик (Нигилизм – умумэътироф этилган қадриятлар, идеаллар, ахлокий ва маданий меъёрларни инкор этувчи, ҳеч қандай ҳокимиятни тан олмайдиган шахс) қарашга эга вакиллар «пролеткульт» оқимини вужудга келтирди. Пролеткультчилар миллий маданиятни таг-томири билан қўпориб, мутлақо янги маданият барпо этиш ғоясини илгари сурдилар.

Жадидлар XIX аср охири – XX аср бошида Россия империясида мусулмон модернист ислохотчилари бўлган. Улар ўзини “тараққийпарвар”, “зиёли” ёки фақат “Ёшлар” деб атаган кишилар эди. Гарчи ҳаракат ичида жиддий мафкуравий келишмовчиликлар бўлган бўлса-да, жадидлар аксил-клерикал [Клерикализм (кеч лотинча clericalis – “рухонийлар билан боғлиқ”, юнонча κλῆρος – “рухонийлар”) диний қадриятларни жамият ҳаётининг асоси сифатида ўрнатишга қаратилган ижтимоий-теологик ғоялар] ҳаракат бўлган, таълим соҳасини ислох қилиш ҳамда мактабларда “усул ул-жадид” ёки “янги усул”ни татбиқ қилиш ҳамда ривожлантиришга интилган. Умуман олганда, уламо ва ислом рухонийларига қарши муваффақиятли қураша олган бўлса-да, улар ҳам совет давлатининг қурбони бўлган. Жадидлар маҳаллий буржуазия ва аксил-инқилобий гумашталар сифатида қораланди ва қўпчилиги отиб ташланди.

Адиб ва шоир Бегали Қосимов жадидлар томонидан ташкил этилган кутубхоналар ҳақида шундай маълумот келтиради: “Туркистон жадидлари миллий ғояни самарали тарғиботи учун 1914 йилдан бошлаб турли нашриёт, ширкат ва кутубхоналар ташкил қила бошладилар. Бундай муассасаларнинг асосий мақсади миллий ғоя тарғиботи ҳамда сиёсий ироданинг мустаҳкамланишига хизмат қиладиган газета, журнал ва китобларни нашр қилиш ва Туркистон аҳолиси орасида тарқатишдан иборат эди. Бунда асосий эътибор ўрта авлод мусулмонлар аудиториясига қаратилди. Ана шундай ташкил этилган муассасалар қаторига Қўқондаги “Ғайрат” кутубхонасини, Тошкентдаги “Нашриёт” ширкатини, Бухородаги “Маърифат” кутубхонаси ва “Баракат” кооперативини мисол қилиш мумкин” [10, б. 99].

Ўрта Осиё хонликлари кутубхоналарида сақланган нодир қўлёзмалар ҳақида илмий изланишлар олиб борган, ЎзРФА Тарих институти профессори, тарих фанлари доктори Доно Зиёева тадқиқотларидан бирида шундай ёзади: “Кейинги асрлар, хусусан, хонликлар даврида ҳам минтақадаги йирик шаҳарлар, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида ҳукмдорлар саройларида йирик кутубхоналар фаолият юритган. Садри Зиё

[Зиё (тахаллуси; асл исм-шарифи Мирза Муҳаммад Шариф Садр ибн Абдишукур) (1867-Бухоро-1932) — шоир, олим ва хаттот.] маълумотларига қараганда XX асрнинг бошида биргина Бухоро шаҳрида 13 та кутубхона, 96 та кироатхона бор эди. Бухоро шаҳридаги ҳукмдор саройидаги кутубхонада хитой, уйғур, пушту, форс, араб ва бошқа тиллардаги қўлёзмалар сақланган. Кутубхонада китобдор, мушриф, рисолачи ва мирзолар хизмат қилганлар. Сарой кутубхонасида амирларнинг шахсий коллекциялари билан бирга 47.500 жилд турли тиллардаги қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланган.” [9, б. 151]

Бухорода ўз даврининг таниқли уламолари, хусусан, қозиларга, ҳамда амалдорлар, яъни бекларга тегишли хусусий кутубхоналар ҳам мавжуд эди. Бухоро шаҳрида энг бой шахсий кутубхона амирзода Ҳашматга тегишли эди. У Бухоро амири Музаффарнинг ўғли бўлиб, ўзидан бир неча асарлар ҳам қолдирган. Мамлакатда яна бир нечта йирик шахсий кутубхоналар бўлган.

Улар орасида қозиул-қуззот Абдувоҳид Садр Балхий, Муҳаммад Шариф - Садри Зиёга тегишли кутубхоналар шулар жумласидан эди. Бухоронинг адабий, маданий ва сиёсий аҳволига оид қимматли маълумотлар берувчи илмий асарлар яратган Муҳаммад Шариф Садри Зиё кутубхонасига тегишли қўлёзмаларнинг 300 тага яқини ҳозирда Шарқ қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

Юқорида зикр этилган кутубхоналардан бирида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-Адаб” луғат нодир қўлёзма асарининг нусхаси сақланган. “Муқаддимат ал-Адаб” луғат асари ўзбек тарихчиси, филолог, таржимон, ёзувчи, драматург ҳамда шоир, замонавий ўзбек тили ва адабиёти асосчиларидан бири, Ўрта Осиё жадидчилигининг таниқли вакилларида бири, биринчи ўзбек профессори (1926) ва ҳуснихат соҳиби бўлган, хаттот Абдурауф Фитрат томонида Бухорода китобат қилинганлиги тарихига тўхталиб ўтмоқчимиз.

1921 йил олимлар уюшмаси мамлакатдаги маданий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш, маҳаллий аҳолидан фан тарихига доир қўлёзмаларни тўплаш ва уларни тадқиқ этиш каби ишлар билан шуғулланди. Бухоро илмий жамияти ишларида, у С.Айний, ўша

пайтларда БХСР халқ маориф нозири бўлиб ишлаган Мусожон Саиджонов, тарихчи олим Мирзо Салимбек ва Шарифжон Маҳдум Садр Зиё сингари олимлар иштирок этган. Ўзбек арабшунослари томонидан яратилган араб тили, фикх, тарих ва бошқага оид асарлар, луғатлар, арабчадан ўзбек тилига қилинган таржималар нашр этилган. Абдурауф Фитрат арабшунослик соҳасида бирмунча илмий ишлар қилган.

2018 йил илмий изланишларда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида А.Фитратнинг ҳуснихат соҳиби яъни хаттот бўлганлиги ҳақидаги янги маълумот топилди. Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, Замахшарийшунос олим Зоҳиджон Исломов дейди: “Абдурауф домла Фитрат моҳир хаттот, ҳуснихат соҳиби бўлган ва луғатшунос олим Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-Адаб” луғат асар нусхасини кўчирган.

Профессор З. Исломов 2008 йилда Токио шаҳрида чоп этилган, “The Muqaddimat al-Adab: A Facsimile Reproduction of the Quadrilingual Manuscript (Arabic, Persian, Chagatay and Mongol 4, б. 2008] луғатининг факсимел китоби ва ушбу луғатнинг кўчирилиши ҳақида: “XX аср бошларида 1926 йилда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг икки қўлёзмаси сақланган. А.Фитрат ушбу луғатнинг мўғул қисмини ўрганиб чиқиб: “шу жойи мўғулча бўлса керак” – деб, моҳирлик билан ҳуснихатда луғатнинг бир қисмини ўрганиб мақола ёзиб уни эълон қилган.

“Муқаддимат ал-Адаб” луғатининг Ўрта Осиёда борлигидан хабар топган мўғулшунос олим Николай Николаевич Поппе [Поппе, (Николос) Николай Николаевич – (27 июль 1897, Янтаи, Қинг империяси – 1991 йил 8 август, Sietl, АҚШ) – совет тилшунос ва этнограф.] 1926 йилда Бухорога келиб Абдурауф Фитрат билан учрашган. Профессор Н.Н. Поппе А.Фитратга “Муқаддимат ал-Адаб” луғатини сотиб олиш ёки ундан кўчирма олиш нияти борлигини айтган. Ўша йилларда фотография Бухорода ривожланмаганлиги сабабли “Муқаддимат ал-Адаб” луғатини фақат котиб ёки хаттот томонидан нусха кўчириб олиш мумкин бўлган. А.Фитрат ўзи хаттотликдан хабардорлиги, Бухорода котиб ва хаттотларни танигани сабаб

Н.Н. Поппега “Муқаддимат ал-Адаб” луғатидан нусха кўчириб олишида кўмаклашган.

А.Фитрат китобат санъати билан шуғулланадиган қоғозрезлардан дунёда машхур ялтироқ Бухоронинг “қоғози абрешими” сидан топиб, мадрасада дарс берган ҳамда хаттотлик санъатидан сабоқ берган устози домулло Икромча [14, б. 64; 18, б. 276] фарзанди Мирзо Мавлон валади Мирзо Икром котибдан “Муқаддимат ал-Адаб” луғатидан нусха кўчириб беришини сўраган. Нусха кўчириш жараёнини дастлаб А. Фитратнинг ўзи бошлаган ва унинг ишларининг кўплиги сабаб, “Муқаддимат ал-Адаб” луғатини Мирзо Мавлон охирига етказиб китоб шаклига келтирган. Н.Н. Поппе қилинган харажатлар ва котибнинг меҳнат ҳаққини бериб, А.Фитрат ҳамда котиб Мирзо Мавлонга миннатдорчилик билдириб кўчирилган нусхани ўз билан Санкт Петербургга олиб кетган.

Мўғулшунос олим Н.Н. Поппе ёзади: “1926 йилда, араб илм-фани тарихида машхур бўлган “Муқаддимат ал-Адаб” номли аз-Замахшарийнинг қўлёзмалари топилди. Аз-Замахшарий асари, сиз билганингиздек, араб тилининг луғатидир. Ушбу асарнинг қўлёзмалари маълум, уларда араб ва форс тилларидаги материаллар билан бир қаторда Ўрта Осиё турклари тилига оид материаллар ҳам мавжуд. Яқин ўтмишга қадар, ушбу асарнинг бирон бир нусхасида араб, форс ёки Марказий Осиё-турк тилларидан ташқари бошқа тилларда ҳам материаллар мавжудлиги маълум эмас эди. Аммо Бухородаги Ибн Сино (Авиценна) номли кутубхонада ушбу асарнинг икки нусхаси сақланиб қолган, улардан биттасида араб ва форс материалларидан ташқари туркий (Марказий Осиё адабий тили) маълум бир даврда “Чигатой” номини олган. тил) ва яна битта, бу мўғул деб белгиланган”.

Ҳозирда Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида инвентар № 202 рақам остида сақланаётган “Муқаддимат ал-Адаб” нусхасидаги, араб тилидаги “Насхи Бухорий”да, форс, туркий ва мўғул тилдаги ёзувлари “наسخ” хатида 1926-1927 Абдурауф Фитрат ҳамда котиб Мирзо Мавлон томонидан жуда моҳирона кўчирилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳақиқатан, А.Фитрат хаттотлик санъатида етти хат услубини мукамал билган, хаттотлик билан шуғулланиб, ёзган асарларини

наسخ ва настаълиқда, Қуръони каримни “Насхи Бухорий”да хат услубида ўз қўли билан кўчирган.

Адиб ва хаттот А.Фитрат кутубхонаси тақдири ҳақида тарихчи олим А.Мўминов қуйидаги маълумотларни келтиради: “Абдурауф Фитратнинг 150 жилдли араб ёзувидаги китоблари 1934 йилда Ўзбекистон оммавий кутубхонасига олиб келинган ва кейинчалик китоблар ЎзФАШИ қўлёзмалари фондига топширилган [2, б. 18]. Профессор, Ш. Воҳидов шўролар даврида Бухоро уламоларнинг шахсий кутубхоналарида сақланган китоблар тақдири ҳақида ёзади: “Советлар ҳукмронлиги даврида оммавий тўпланган, асосан араб ёзувидаги китоблар, махсус омборхона фондларида, кутубхона ва илмий ташкилотларда тўпланган. Афсус, нодир китобларнинг кўп қисми қайтарилмасдан НКВД, КГБ ва судлов ташкилотлари деворлари орқасида изсиз йўқолди” [6, б. 7].

“Муқаддимат ал-Адаб” луғатининг Бухорода кўчирилиши, котиб исми ва А.Фитратнинг хаттотлик санъатидан хабардорлиги тадқиқотларимиздан шу нарсани маълумки, ушбу асар Замахшарийнинг Отсиз Хоразмшоҳга бағишлаб ёзилган “Муқаддимат ал-Адаб” (“Адаб илмига муқаддима”, 1137) [14, б. 29] асардаги сўзлар остида форсий ва туркий таржималарнинг берилиши ўзбек тарихий педагогикаси учун қимматлидир.

Шарқшуносларга маълумки, тўрт тилли “Муқаддимат ал-Адаб” луғати XII асрда яшаган луғатшунос олим Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144) қаламига мансуб бўлиб, у аввал уч тилда, кейинроқ XIII – XIV асрларда мўғуллар томонидан Ўрта Осиёни босиб олиниши ҳамда халқ орасида мўғулча луғатга эҳтиёжнинг сезилиши натижасида тахминан (989 ҳиж.) 1492 йилда бухоролик хаттот Муҳаммад Дарвеш томонидан араб, форс, туркий (чигатой) ҳамда мўғул тилида араб алифбосида кўчирилган [4, б. 49-52]. XIV асрда Марказий Осиёда тўпланган Муқаддимат ал-Адабнинг тўрт тилли араб-форсча-туркий-мўғул луғати, луғатшунос, қўлёзма ва манбашунос машхур ўзбек олими, ёзувчи А.Фитрат томонидан Бухоро амир кутубхонасидан топилган.

1492 йилда бухоролик хаттот Муҳаммад Дарвеш томонидан кўчирилган “Муқаддимат

ал-Адаб” луғати Бухородан сирли равишда йўқолган. Бу фожеа ҳақида Россия Фанлар академияси, Калмык гуманитар фанлар тадқиқот институти, тилшунослик бўлим ходими филология фанлари номзоди Бадгаев Николай Боктаевич луғат ҳақида ёзади: “Афсус, қўлёманинг асл нусхаси йўқолган ва фақат унинг кўчирма нусхаси Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Давлат Музейида ҳозирда сақланади. 2004 йилда япониялик луғатшунос олим луғатнинг кўчирилган нусхаси борлиги ҳақида билиб қолди” [4, б. 50]. 1492 йилда бухоролик хаттот Муҳаммад Дарвеш томонидан кўчирилган “Муқаддимат ал-Адаб” луғати исзиз йўқолган ва ҳалигача тақдири бутун дунёга номаълум.

Ушбу луғатнинг йўқолганидан хабар топган А.Фитрат 1938 йил март ойида Санкт-Петербургга сафар қилган. Мўғулшунос олим Н.Н. Поппени топиб у билан учрашган, ундан Мирзо Мавлоно ибн Икром томонидан кўчирилган “Муқаддимат ал-Адаб” луғатининг асл нусхасини сотиб олиб ўз Ватанига қайтарган. А.Фитрат луғатни кўз қорачиғидай асраб ўлимидан олдин уни Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Давлат Музеи очилишидан хабардор бўлиб музейга экспонат сифатида ҳадя этган. А.Фитрат келажак авлод учун ибратли ҳаёт яъни, ватанпарварлик намунасини қолдириб кетган [19, б. 124].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз билган Абдурауф Фитрат нафақат ўзбек тарихчиси, филолог, таржимон, ёзувчи, драматург ва шоир, замонавий ўзбек тили ҳамда адабиёти асосчиси, ҳуснихат соҳиби хаттот ҳам бўлган. Абдурауф Фитратнинг ноҳақ 1938 йилда отиб (қатл) ўлдирилиши ҳақида диссертациянинг қатағон бўлимида кўрсатиб ўтилган.

Исҳоқхон Ибрat (1862-1937) Исҳоқхон тўра Ибрat - миллий уйғониш даврининг фаол ижодкорларидан бири, серкирра истеъдод соҳиби.

Исҳоқхон тўра Ибрat атоқли педагог, тилшунос, тарихшунос олим, сайёҳ, ўткир дидли хаттот ва мусаввир ҳамдир. У тилшуносликнинг энг муҳим соҳаларида қалам тебратди. Бу соҳада Исҳоқхон тўра Ибрat жаҳон ёзувлари (хат, алифбо) тарихига бағишланган جامع الخطوط «Жомеъ ул-хутут» («Хатлар мажмуаси») асарлари муҳим аҳамиятга эга.

Исҳоқхон тўра Ибрat – миллий уйғониш даврининг фаол ижодкорларидан бири, серкирра истеъдод соҳиби. Шоир ҳамда маорифчи Иброҳим Даврон (1874-1922) Ибрat ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Исҳоқхон Тўра улуми диния ва фанния ва адабияда устози комиллиғи билан бутун Фарғона ва дигар жиҳат Осиёи Вустода инкор ўлунмас даражада бир мавқеъи мутози тутмушдур. Исҳоқхон тўра улуми динияда мударрисдур, фунуни дунявийда, билошубҳа, архитектор, техник ва механик ва физикия илминда тилифонист, тилигрофист ва яна химик десак яна оздур, чунки бу илмларни билур. Исҳоқхон тўра олим ва фозил бир зоти олий бўлуб, бу турфа фазоили инсонияга молик... Баъзи ихтироти ҳам бордур» [11, б. 110].

Исҳоқхон 1862 йили Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида туғилди. Унинг ота-оналари Жунайдуллаҳўжа ҳамда Ҳурибиби даврининг ўқимишли кишилари эдилар. Исҳоқхон дастлаб хижо усулига асосланган маҳалла мактабида ўқиди, аммо саводини онасининг қўлида чиқарди. Ҳурибиби мактабдор бўлиб, ўз мактабида фақат курук ёдлаш билангина чекланмай, кизларга ёзиш ва ҳуснихатни ҳам ўргатар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон онасини кўп асарларида устози сифатида ҳурмат билан тилга олади.

Фарғонадаги жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаларидан Исҳоқхон Ибрat ҳам Қўқонда мадрасани тамомлагач, 1886 йилда Тўрақўрғонда мактаб очади лекин, у тез орада ёпилади [13, б. 124]. Жадидларнинг ҳаракати туфайли XX аср бошларига келиб Водийда ўнлаб янги усул мактаблари фаолият кўрсатмоқда эди.

XIX аср охирларидан 1908 йилгача бўлган маърифатчилик босқичи. Бу даврда водийда дастлабки янги усул мактаблари; Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибрat, Қўқонда Мулла Шоазим домла, Салоҳиддин домла, Абдулваҳҳоб Ибодий, Андижонда Шамсиддин домла, Азим Қодиров ҳамда бошқалар томонидан очилди. “Таржимон” ва бошқа газета-журналлар водий зиёлилари орасида кенг ёйилди. Наманганда Исҳоқхон Ибрat томонидан “Матбааи Исҳоқия” босмаҳонаси очилди.

1908 йилда Наманган уездининг Тўрақўрғон қишлоғида Исҳоқхон ўғли Ибрat томонидан

“Матбааи Исҳоқия” номли илк нашриёт 1910 йилда Наманганга кўчирилиб, унинг қошида “Кутубхонаи Исҳоқия” номли кутубхона ташкил этилди. Кутубхонада ўзбек, форс-тожик, рус, татар ва турк тилларидаги адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, таълим-тарбия билан боғлиқ адабиётлар, ўша йиллари чоп этилган рус ва мусулмон матбуоти намуналари тўпланган эди. Ибрат кутубхонага мудир тайинлаб, китобларни ва улардан фойдаланган ўқувчиларни тартиб билан ёзиб боришни йўлга қўйган эди.

Бу даврда Бухоро шаҳрида ҳам ёш бухороликлар томонидан “Маърифат” кутубхонаси ташкил этилади. “Маърифат” кутубхонасида мамлакатда ва хорижда чиқарилган янги адабиётлар, газета ва журналлар жамланган эди. Кутубхонада Истанбулда чоп этилган “Ҳикмат”, “Сиротил мустақим”, “Таърифи муслимин” журналлари, Россияда чоп этилган “Таржимон”, “Иршод”, “Вакт” газеталари ва “Шўро” журнали, Туркистонда чоп этилган жадид матбуоти намуналари жамланган эди [9, б. 154].

Ўндан ортиқ тилни билган Исҳоқхон Ибрат 1901 йилда русча сўзларни арабча ёзув тизимига солиб, لغتي ست السينا “Луғати ситта асина” номли китоб чоп этди. Албатта, унда олти тил (араб, форс, турк, сарт, ҳинд, рус - Н.М.) жамланган бўлсада, рус алифбосини билмайдиган миллатдошлари учун амалий ёрдам беришнинг бир усули бўлди. Рисола халқни жаҳон илм-фан ва маданияти ютуқларига яқинлаштириш, хорижий тилни ўрганишга бўлган маҳаллий халқ эҳтиёжини қондириш учун яратилган эди [6.,44]. Ибрат бу фикрини ўзининг амалий фаолиятида ҳам қўллади. Ўзи очган мазкур мактабга илғор педагог, рус тилини чуқур билувчи татар маорифи ходими Ҳусайн Мақаевни таклиф қилди ва у билан ёнма-ён туриб халқни илм-маърифатли қилиш йўлида хизмат қилди [8, б. 53].

Исҳоқхон тўра Ибрат “Мақсад бу ишдан эрди оламга илм касри” деб таъкидлаганидек, бу матбаа ўз фаолиятини илм-маърифат тарқатишдан бошлади. Унинг биринчи маҳсулоти “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” савод чиқаришга бағишланган бўлиб, 1908 йили босмадан чиқди. Бу тўғрида ўша йили матбаага мудирлик қилган Охунзода Абдурауф Шаҳидий қуйидагиларни ёзади:

“Қобилият ва салоҳиятлари қавий, заковат ва фатонатлари жойида бўлган ғайратли талабалар ва ёш муаллимларимиз ва аҳли китобот ва хаттотларимизга таълим ва таълими китобот хусусидаги биринчи ҳадямизни ожизона тақдим айладик” [13, б. 111].

Албатта, тартибли таълимнинг амалий натижалари жадид мактаблари фаолиятида кўзга ташлана бошлади. Жумладан, Исҳоқхон Ибрат янгича таълим-тарбия тизимининг ниҳоятда катта афзалликларини исботлашда кўпроқ ўзи эришган ютуқларга, ўзи амалиётга тадбиқ қилган янги усулларга асосланади.

Адиб ва олим Улуғбек Долимов тадқиқотларида Исҳоқхон тўра Ибрат мактаби ҳақида шундай мисралар келтирган. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: “Мен ўзум ҳам ўзумга қарашлик ўнта-ўн бешта болаларни эски мактабда ҳеч баҳра топмай, беҳуда юрдукларина жоним ачиб, Қозон тарафиндан... бир муаллим жалб эдуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг кушодиға уч ой бўлгани йўқ, йигирмадан зиёда кичик болалар, ўн бешта одамлар “алиф нима?” деган саволига “калтак” деб жавоб берувчилар тамом саводи чиқиб, ҳар нарсани ёзадургон бўлдилар. Тўрт-бешта, етти ва саккиз саналар Қўқонга юруб ҳеч нарса билмаган муллабаччалар битамомиҳи арабий муколамаға қодир бўлуб, ҳар бир китобларни мутуалаа этадургон бўлдилар. Шул сабабдин биз кўзумиз ила тажриба қилиб, бул ўқитишга тамом ихлос қилдик” [8, б. 54]. Ибрат ўз мактабига ҳафталик дарс жадвалини жорий қилдики, бу жадид мактабларининг янги таълим тизимидаги ўрнини белгилашда асосий омиллардан бири саналган. Туркистон ўлкасининг кўпгина жойларида ҳар бир янги усул мактабларининг жорий қилинишини миллий матбуот катта қувонч билан маълум қилиб борди [18, б. 1914].

Ижтимоий тармоқларда “Бухоро хаттот” telegram саҳифасида Исҳоқхон тўра Ибрат ҳақида шу маълумот келтирилади: “Фарғона хаттотлик мактаби вакиллари рўйхати аввалида улуғ шоир, саркарда ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур туради. Бобур Мирзо “Хатти Бобурий” номида бир хат ихтиро қилиб, унда кўчирган қўлёзмасини Маккага юборган. Муҳаммад Латиф Ҳўқандий, Мирзо Шариф Дабир, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Юсуф Мунтазир Андижоний, Рожий

Хўқандий, Маъсумхон Гулханий, Исҳоқхон Иброт Тўрақўрғоний, Аскаралӣ Чархий ва бошқа юзлаб зебо қалам, хушхат хаттотлар китобатда ҳамда хуснихатда ном чиқаришган” [17, б. 2019].

НАТИЖАЛАР

Ўзликни англаш, миллий ғурурни тарбиялаш, миллий онгни ўстириш билан боғлиқ, тарихий муаммоларидан бири - аждодларимизнинг ўз эрки, Ватан озодлиги йўлида мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган курашлари тарихидир.

Жадидларнинг маърифатпарварлик мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ҳамда ранг-баранг бўлган. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарихий вазифа ва масалалар қаторига биз маънавий баркамолликка етишда динни тўғри англаб тушуниб етишимиз, ҳуқуқий ва иқтисодий бозор маконини ташкил қилиш жараёнини тезлаштириш, тараққий этган илғор демократик институтларни бунёд қилиш, ўзига хос миллий ривожланишларни киритишимиз мумкин.

Жадидчиликнинг тарихимизда тутган ўрни ва қиммати шундаки, биринчи бўлиб мустақиллик миллий мафкурасига асос солди, ғафлат уйқусида ётган мазлум Шарқни уйғотди ва кўзини очди, озодлик, эрк, миллий ғурур ва шаън ҳақида, буюк аждодлари, бой маданияти, умуман мустамлака истибдоди даврида унутилаёзган қадриятлар тўғрисида жар солди, овоза қилди. Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда эволюцион ислохот йўли асосида ишлаб чиқдилар, ижтимоий-даврий тузум ўзгаришларининг энг максимал эффектив йўлини таклиф қилдилар ва мустамлакачилик тартиботини йўқ қилишни талаб қилдилар.

Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун

чинакам ибрат намунасидир. Уларнинг ҳаёти ва жасорати бугунги тинч ва осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганини эслатиб, миллий истиқлолимизни, жонажон Ватанимизни кўз қорачиғидай асрашга доимо даъват этиб туради.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шу тарика жадид маърифатпарварлари XX аср бошида минтака шаҳарларида маърифатни кенг тарғиб қилиш мақсадида дастлабки оммавий кутубхоналар ва янги услубдаги мактабларга асос солдилар. Уларнинг шахсий маблағлари ва хайриялар ҳисобидан ташкил қилинган ушбу кутубхоналарда жамланган адабиётлар мазмуни ҳамда йўналиши жиҳатидан сарой кутубхоналаридан анча фарқ қилиб, замон руҳини акс эттириб турар, халқ оммаси, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эди.

Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – тарихчи, китобсевар хаттотлар, уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар қаторида, Мирзо Шарифжон Махдум Садр Зиё, Абдурауф Фитрат ва Исҳоқхон тўра Иброт сингари жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топдилар ва ўзларининг ҳаётий фаолиятларида, “Ватанпарлик” тимсолини келажак авлодларга мерос қолдирдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Жадидлар ғояси — Янги Ўзбекистон стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоханг. 22.12.2023 йил // <https://www.gazeta.uz/uz/2023/12/22/jadids/>. Мурожаат санаси 17.06.2025.
2. Muminov Ashirbek. Fonds nationaux et collections privees de manuscrits en ecriture arabe de Uzbekistan. // Cahiers d'Asie centrale. 7 | 1999. URL : <http://journals.openedition.org/asiacentrale/563> ISSN: 2075-5325 – P. 18.
3. Saito Y. The Mongolian Words in the Muqaddimat al-Adab: Romanized Text and Word Index (as of January 2008), – Tôkyô, 2008.

4. Бадгаев Н.Б. Монгольский словарь Мукаддимат ал-адаб. как лингвокультурологический источник (на примере лексемы balyasun) // Научная мысль Кавказа. 2011, № 1, ч. 2. – С. 49-52.
5. Вохидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. / Книги, библиотеки, каталоги. Книга 1. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – С 7.
6. Вохидова К.А. Исҳоқхон Жунайдуллох Хўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси: тарих фан. номз. ... дисс. – Т.: 2002. – Б. 44.
7. Джураев Ҳ.Х. Бухоро хаттотлик мактаби тарихи ва унинг маданий ҳаётга таъсири // мавзусидаги диссертацияси. 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи. – Бухоро. 2021. – Б. 83-88.
8. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат (Истиклол фидойилари сериясидан). – Т.: 1994. – 53.
9. Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари // Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти. мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2016 йил 15 апрель. – Т.: Тошкент ислом университети. 2016. – Б. 154.
10. Қосимов Б. Уйғониш шоири // Тавалло. Равнакул-ислом. – Т.: Фан. 1993. – Б. 7-8; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Т.: Маънавият. 2002. 400 б.;Самойлович А. Первое тайное общество младобухарцев // Восток: журнал литература, науки и искусства. Книга первая. – Петербург: Всемирная литература, 1922. – С.99.
11. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият 2004. – Б. 110.
12. Мирзо Муҳаммад Шариф Садр Зиё ибн Абдишукур. Тазкор ул-ашъор. (Шеърят хотираномаси., ЎзФАШИ, инв. №1304).
13. Носиров О., Мъмуров М. Ўзбек адабиётчининг муҳим саналари. – Наманган: НамДУ. 1993. – Б. 124.
14. Педагогика. Энциклопедия II жилд. Ж-М. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б. 29.
15. Поппе Н. Н. Монгольский словарь Мукаддимат ал-Адаб. – М.; Л Изд. АН СССР, 1938. Час. I-II. – С. 9.
16. Ҳаёт Неъмат Самарқандий. Домулло Икромчаи ҳақгў ки буд? // Овози тожик. 2004 йил, 1 декабрь. № 94.; Хўқандда усули савтия муаллимлари. Устоди мухтарам муфтий ал-ислом жаноби домулла Икром! // Ойна. 1914, 11-январь. № 12, Самарқанд. – Б. 276.
17. Бухоро хаттот. 15 май 2019 йил. http://t.me/buxoro_xattot
18. Яхё Қори. Шахрихонда усули жадид мактаблари // Садои Фарғона. 1914 йил 10 май ва 6.; Янги мактаб // Ойна. 1914 йил 27 июль; Янги мактаблар // Самарқанд. 1913 йил 2 август; Жизахда мактаб // Ойна. 1914 йил 1 ноябрь; Хўқандда усули савтия муаллимлари // Ойна. 1914 йил 1 ноябрь.
19. Джураев Ҳ.Х. Бухоро хаттотлик мактаби тарихи ва унинг маданий ҳаётга таъсири: тарих фанлари бўйича PhD ... дисс. (07.00.01 – Ўзбекистон тарихи). – Бухоро 2021. – Б. 124.